

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ХАЛИМОВА ФИРУЗА РУСТАМОВНА

**ПОЭТИК МАТННИНГ ЛИНГВОФОНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
ВА ТАРЖИМАНИНГ ПРАГМАТИК МУАММОЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УЎК: 81'25-5
КБК: 81.2-7
X-21

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
Филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Халимова Фируза Рустамовна

Поэтик матннинг лингвофонетик хусусиятлари ва таржиманинг
прагматик муаммолари 3

Халимова Фируза Рустамовна

Лингвофонетические особенности поэтического текста и
прагматические проблемы перевода 25

Halimova Firuza Rustamovna

lingual-phonetic peculiarities of poetic text and pragmatic problems of
translation 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ХАЛИМОВА ФИРУЗА РУСТАМОВНА

**ПОЭТИК МАТННИНГ ЛИНГВОФОНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
ВА ТАРЖИМАНИНГ ПРАГМАТИК МУАММОЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil279 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.tashgiv.uz ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафаров Шаҳриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дадабоев Ҳамидулла Арипович
филология фанлари доктори, профессор

Эргашева Гули Исмоил қизи
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2019 йил соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси филол.ф.д., профессор

Қ.П. Содиков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, филол.ф.д., профессор

А. Қуронбеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги ва таржимашунослигида поэтик матннинг фонетик хусусиятларини таржима нуқтаи назаридан ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишдаги тадқиқотларда шеърӣ таржима жараёнида дуч келинаётган муаммолар аслият ва таржима ўртасидаги мазмун эквивалентлигини ҳамда прагматик муқобилликни таъминлаш имконини берадиган усулларни топиш, уларни бевосита амалиётга татбиқ этиш асосларини шакллантириш устувор вазифаларга айланган. Маданиятлараро мулоқот қобилиятини ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларнинг долзарблашуви таржима фаолиятининг лингвистик, прагматик ва лисоний-маданий қирраларини мукамал кўринишда тадқиқ қилишга ундамоқда.

Дунё таржимашунослигида шеърӣ асарларни бир тилдан бошқа тилга ўгириш жараёнида матннинг семантик, стилистик, прагматик ва лингвокогнитив хусусиятларини очиб бериш ҳамда уларни таржима тилида қайта яратиш тамойилларини ишлаб чиқиш борасидаги муҳим тадқиқотлар бажарилмоқда. Шакл ва мазмун уйғунлигини таъминловчи воситалардан бўлган шеър фонетик таркибининг инобатга олиниши таржима адекватлигини белгиловчи омил эканлигини илмий асослаш қиёсий шеършунослик, матн тилшунослиги, прагматик лингвистика, таржима назарияси ва амалиёти сингари замонавий фан соҳаларининг такомил топишига ҳамда функционал шеършунослик каби янги йўналишларнинг юзага келишига хизмат қилди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маданият, адабиёт, таълим соҳаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Назарий билимларни таржима амалиётига бевосита татбиқ этиш жараёнида юзага келадиган масалаларга аниқлик киритиш, таржималарга нисбатан талабларни такомиллаштириш, таржимашуносликда сўнгги йиллар мобайнида эришилган натижаларни амалий фаолиятга татбиқ этиш масаласи тобора долзарблашиб бормоқда. Малакатимизда чет тиллар таълими бўйича халқаро дастурларнинг жорий қилиниши қиёсий шеършунослик ва таржимашунослик соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб боришнинг янги даври бошланишига туртки беради. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Ҳаракатлар стратегияси»да «таълим тизмини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш»¹ масаласининг кун тартибига қўйилганлиги ҳам таржима амалиёти соҳасини инновацион тамойил ҳамда мезонлар билан бойитиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони // Халқ сўзи, 08.02.2017. №28.

иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»², 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори³, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги 292-сон «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори⁴да, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъриё-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Поэтик матннинг эмоционал ва экспрессивлигини белгиловчи хусусиятлари борасида бир қатор тадқиқотлар олиб борилган, бироқ фонетик воситаларнинг мазмун ифодасидаги роли, прагматик хусусиятлари ҳамда таржимада бериш йўллари аниқлашга йўналтирилган ишлар санокли.

Бир қатор олимлар, жумладан, С.В. Воронин, А.П. Журавлев, В.В. Левицкий, Р.О. Якобсон, И. Б. Голуб, Н.А. Любимова, Ю.М. Лотман, И.В. Арнольд, Е.А. Титова, Л.А. Горохова, Ф. Мико, М.С. Майрон, И. Фонаг, Р. Браун, Д.А. Кристал, Л. Болинжер, Ж. Фирс, А. Груттенден, М. Майрон, С.Ньюман, Ж. Вайс, ўзбек тилшунос олимларидан А. Абдуазизов, А. Ҳайдаров, Г. Яхшиева, З.М. Кабилова, М. Миртожиев, К. Сапаровалар фоностилистик, фоносемантик ва фонографик воситаларнинг бадий матндаги моҳиятини ўргандилар⁵. Оғзаки нутқда ва ёзма матнда товуш ифодасининг ўрганилиши

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. <http://lex.uz/docs/3765586>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. <http://www.lex.uz/docs/3171590>.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. <http://lex.uz/docs/3207162>.

⁵ Воронин С. В. Фоносемантические идеи в зарубежном языкознании. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1990. – 199 с.; Журавлев А. П. Фонетическое значение. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1974. – 160 с.; Журавлев А.П. Звук и смысл. – М.: Просвещение, 1980. – 155 с.; Левицкий В. В. Семантика и фонетика. – Черновцы, 1973. – 290 с.; Якобсон Р.О. Работы по поэтике. – М.: Прогресс, 1987. – 460 с.; Голуб И. Б. Стилистика русского языка. – М.: Титул, 2002. – 670 с.; Любимова, Н. А., Пинежанинова, Н. П., Сомова, Е. Г. Звуковая метафора в поэтическом тексте. – СПб.: Изд-во СПбГУ, 1996.-214с.; Лотман Ю. М. О поэтах и поэзии: Анализ поэтического текста: Статьи и исследования. – СПб.: Искусство, 1996. – 846 с.; Арнольд И. В. Стилистика. Учебник для вузов. - 4-е изд., испр. и доп. – М.: Флинта: Наука, 2002. – 384 с.; Титова Е.А. Прагматический аспект передачи звукоизобразительных средств при переводе поэтических текстов (на материале английского и русского языков). – Челябинск, 2006. – 189 с.; Горохова Л.А. О некоторых закономерностях перевода ономастопов в зависимости от функции, выполняемой ими в тексте. // Лингвистика. Перевод, Межкультурная коммуникация. №-2. – М., 2000. - С. 110-120.; Мико Ф. Передача звучания при переводе лирической поэзии // Поэтика перевода: Сборник / Составл. С.Ф. Гончаренко. – М.: Радуга, 1988. – 235 с.; Myron M. S. A cross-linguistic investigation of phonetic symbolism // The Journal of Abnormal and Social Psychology, 1962. Vol-3. – P 623-630; Fonagy I. Informationsgehalt von Wort und Laut in der Dichtung // Poetics. –Warszawa, 1961, – 592 p.; Brown R.,

турли ёндашувлар асосида олиб борилмоқда. Аммо, бу муаммо хануз ўз ечимини топа олганича йўқ, чунончи, тилдаги фоник воситаларининг ўрганилиши турли илмий йўналишлар асосида тадқиқ қилиниб, терминологик тушунчаларнинг турлича талқинига сабаб бўлмоқда ва муаммо хусусида ягона назарий-методологик ёндашув мавжуд эмас.

Поэтик матн лингвофонетик воситаларининг прагматик мазмун ифодасидаги имкониятларини ўрганиш ҳамда ушбу мазмуннинг таржима жараёнида қайта яратилиши билан боғлиқ муаммолар тадқиқига бағишланган В.Н. Комиссаров, Ж. Делисл, А. Нойберт, П.А. Ньюмарк, К. Малмжоер, А. Лефеве, А.А. Горбачевский, З.С. Дотмурзиева, И.С. Алексеева, И. Мирзаев, Ф. Саломов, Қ. Мусаев, Ш. Сафаров, И. Ғафуров, М. Холбеков, Ғ. Рахимов, Р. Ширинова⁶ ва бошқа тилшунос ва таржимашунос олимларнинг илмий ишларида матннинг мазмуний хусусиятлари таржимада қайта яратилишига оид масалалар муҳокама қилинган. Шунингдек, поэтик матн таржимасида адекватлик муаммолари назарий ва амалий жиҳатдан А.А. Абдуллажонов, Э.З. Очилов, М. Бакаева, Д.А. Султанова, Б. Холбекова, Г. Одилова⁷ кабиларнинг ишларида ўрганилган.

Nuttal, R. Methods in phonetic symbolism // The journal of Abnormal and Social Psychology, 1959. Vol-3. – P 441-445.; Crystal D. A Dictionary of Linguistics and Phonetics. – Oxford: Blackwell Publishing, 2008. - 529 p.; Bolinger Dw. Rime, Assonance, and Morpheme Analysis // Word, 1950. Vol. 6 (2). – P 117-136.; Firth J.R. Speech. – London: Ernest Benn, 1930. – 79 p.; Gruttenden A. Intonation. – Cambridge: Cambridge University Press, 1995. – 214 p.; Miron M. S. A cross-linguistic investigation of phonetic symbolism // The Journal of Abnormal and Social Psychology, 1962. Vol-3. – P 623-630.; Newman S. S. Further experiments in phonetic symbolism // American Journal of Psychology, 1983. Vol. 17 (2). – p. 54-76.; Weiss J. H. Phonetic symbolism re-examined // Psych. Bull. Vol. 61 (6), 1964. - P 454-458.; Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Университет, 2010. – 170 б.; Ҳайдаров А.А. Бадий тасвирнинг фоностилистик воситалари: филол. фанл. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 158 б.; Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: Филол. фанлари номзоди ... дис. – Т., 1996. – 132 б.; Кабилова З.М. Ўзбек тилининг фоносемантик воситалари. ф.ф.н. диссер. – Т., 2008. – 124 б.; Миртожиев М. Товушлардаги маъно. – Т.: Ўзбекистон, 1982. – 24 б.; Сапарова К.О. Сопоставительное типологическое исследование фоностилистики русского и узбекского языков (на материале фоновариантов слов). диссер ... д.ф.н. – Ташкент, 2010. – 395 с.

⁶ Комиссаров В.Н. Теория перевода. – М.: Высшая школа, 1990. – 250 с.; Delissle J. Translation: An Interpretive Approach. – Ottawa: University of Ottawa Press, 1988. – 221 p.; Neubert A. Pragmatische Aspekte der Übersetzung // Übersetzungswissenschaft. – Darmstadt: Wissenschaftliche Buchgesellschaft, 1981. – p. 60-75.; Newmark P. A Textbook of Translation. – New York: Prentice Hall, 1988. – 278 p.; Malmkjøer K. Linguistics and the Language of Translation. – Edinburgh University Press, 2005. – 208 p.; Гачечиладзе Г.Р. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. – М.: Советский писатель, 1980. – 255 с.; Lefevre Andre. Translating Poetry: Seven Strategies and Blueprint. – Assen: Van Gorcum, 1975. – 243 p.; Горбачевский А.А. Оригинал и его отражение в тексте перевода. – Челябинск, 2001. – 202 с.; Дотмурзиева З.С. Прагматика англоязычного художественного текста и проблемы прагматики его перевода. Автореф. диссер... к.ф.н. – Пятигорск, 2006. – 24 с.; Алексеева И. С. Профессиональное обучение переводчика: учебное пособие по устному и письменному переводу для переводчиков и преподавателей. – СПб.: Союз, 2001. – 288 с.; Мирзаев И. Проблемы передачи слов, обозначающих реалии французской жизни на узбекский язык. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Л., 1975. – 22 с.; Саломов Ф. Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – 232 б.; Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 352 б.; Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 300 б.; Сафаров Ш.С. Матннинг мураккаблик даражаси ва таржима // Тил. Маданият. Таржима ва мулоқот. – СамДЧТИ. 2016. 5-7 б.; Ғафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. – Т.: «Gafakkur bo'stoni», 2012. – 216 б.; Холбеков М.Н. Таржимашунослик ва таржима танқиди. – Т.: Наврўз, 2015. – 112 б.; Рахимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2016. – 176 б.; Ширинова Р. Бадий таржимада олам миллий манзараси. – Т.: «Turon Zamin Ziyoy», 2017. – 208 б.

⁷ Абдуллажонов А.А. Навоий бадиятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил этиш. Филол. фанлари номзоди... диссер. – Т., 1998. – 144 б.; Очилов Э.З. Рубоий таржималарида шакл ва мазмун бирлиги. Филол. фан. номзоди... дисс. автореферати. – Т., 1994. – 26 б.; Бакаева М.К. Инглиз ва Америка адабиётидан ўзбек тилига шеър таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари (XX аср таржимачилиги мисолида). – Т.: Фан, 2015. – 287 б.; Султанова Д.А., Халимова Ф.Р. Шеър ва таржима. – Т.: Наврўз, 2013. – 144 б.; Холбекова Б. Бевосита таржима – мукамал таржима мезони // Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро микёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: Mashhur-Press, 2018. 171-182 б.; Одилова Г. Инглиз ва ўзбек мумтоз шеър таржималарида адекватлик муаммолари. Филол. фан. номзоди... диссер. – Т., 2011. – 153 б.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институти «Тил, маданият, таржима ва мулоқот муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади поэтик матн лингвофонетик тузилишини қиёсий таҳлил қилиш орқали фоник хусусиятларнинг прагматик мазмунга таъсирини аниқлаш ҳамда ушбу мазмунни таржимада қайта яратиш усуллари ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

поэтик матнда оҳанг ва мазмун мутаносиблигини белгилашда фоносемантик ва фоностилистик воситаларнинг ролини лингвофонетик таҳлил асосида очиқ бериш;

поэтик матн прагматикасига таъсир этувчи фоник воситалар гуруҳларини ажратиш ҳамда уларнинг экспрессивликни ифодалашдаги ўрнини белгилаш;

эстетик ахборот фонетик воситалар иштирокида поэтик матн мазмунига устқурма кўринишида ҳосил бўлишини далиллаш;

бадий поэтик матннинг таркибий ва стилистик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда ушбу турдаги матнларни таржима қилиш услубиятини ўрганиш;

ўзбек ва инглиз поэтик матнлари фоник структурасининг қиёсий-чоғиштира таҳлил қилиш ҳамда таржима жараёнида шакл ва мазмун уйғунлигини таъминловчи омилларни ажратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек ва инглиз тиллари поэтик матнлари таркибидаги фоностилистик (такрор ва унинг турлари, фонетик ўзгаришлар), фонографик (товуш символикаси, товушга тақлид) ҳамда фоносемантик (нутқ товушларининг мазмун ифодаланишидаги аҳамияти) воситалари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек ва инглиз шеърий матнлари лингвофонетик тузилишининг умумий мазмун шаклланишидаги ўрни ва уларнинг таржимасига доир прагматик хусусиятлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуни ёритишда тавсифий, чоғиштира, компонент ва матн таҳлили усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

поэтик матнларда оҳанг ва мазмун мутаносиблигини белгиловчи ҳодисаларнинг лингвофонетик хусусиятини белгилашининг фоносемантик ва фоностилистик усуллари ишлаб чиқилган;

лингвофонетик воситаларнинг ўзбек ва инглиз тили шеъриясидаги прагматик хусусиятлари таҳлили асосида юмшоқ, нейтрал, қаттиқ ва агрессив товушларнинг салбий, ижобий ва контраст эмоция ифодалашдаги ўрни аниқланган;

эстетик ахборотнинг махсус лисоний воситалар фаоллашувида поэтик матн мазмунига устқурма сифатида шаклланиши исботланган;

муаллифнинг воқеликка субъектив муносабатини ифодаловчи ритм, товуш, интонация кабилар поэтик матнга эмоционал мазмунни сингдириши далилланган;

шеърий таржима адекватлилигини белгилашда эмоционал мазмуннинг устунлиги ва матннинг умумий образи лисоний-тафаккур фаолиятининг асосий когнитив бирлиги эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шеърий матн тузилиши тадқиқида фоносемантика йўналишида шаклланган таҳлил усулларига мурожаат қилиш самараси исботланган;

шеърий асарлар таржимасини прагматик мувофиқлик даражасида амалга ошириш йўллари белгиланган;

магистратура ва бакалавриат босқичлари талабаларига матншунослик ва таржима амалиёти курслари бўйича машғулотларни ташкил этиш ва ўқув адабиётларини яратиш учун методик таъминот базаси шакллантирилган;

поэтик матнларни таржима қилиш юзасидан аниқ назарий ва амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференциялар материаллари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти поэтик матнларда экспрессив ва эмоционал бўёқдорликни таъминловчи лингвофонетик воситаларни аниқлаш, ўзбек ҳамда инглиз тили поэтик матнлари лингвофонетик хусусиятларини қиёсий таҳлил этиш орқали уларни таржимада қайта яратиш йўллари тадқиқ қилишда илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалардан таржима назарияси ва амалиёти, қиёсий тилшунослик, матн таржимаси ва таҳлили каби фанлардан дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш, семинар машғулотларини олиб бориш, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияларини бажаришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Шунингдек, таржимонларга ўзбек тилидан инглиз тилига ёки аксинча, инглиз тилидан ўзбек тилига шеърий таржималарни амалга оширишда улардаги мусиқийлик, экспрессивлик, эмоционал бўёқдорликни сақлаган ҳолда адекват таржимага эришиш йўллари очиқ беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Поэтик матннинг лингвофонетик хусусиятлари ва таржиманинг прагматик муаммоларини тадқиқ этиш асосида:

бадий матнда мавжуд фонетик, фоносинтактик, фонографик ва фоносемантик алоқалар матннинг лингвофонетик хусусиятини белгилаши, ушбу хусусиятлар поэтик асарнинг мазмуний қийматига таъсир этиши бўйича олинган хулосалар ОТ–Ф8–062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» номли фундаментал тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 декабрдаги 89-03-4457-сон маълумотномаси). Ушбу фундаментал

лойиха доирасида поэтик матнларнинг лингвофонетик таҳлили янгича ёндашувга туртки бериб, синтактик, семантик, прагматик жиҳатдан поэтик матнлар деривацияси муаммоларини типологик тадқиқ этиш тамойилларини янада бойитиш учун хизмат қилган;

поэтик матнларда оҳанг ва мазмун мутаносиблигини белгиловчи лингвофонетик ёндашув тадқиқи, лингвофонетик воситаларнинг шеърятдаги прагматик хусусиятлари ва эмоция турлари, поэтик таржималарнинг таҳлили натижасида фоник воситаларининг мазмун шаклланишидаги роли бўйича олинган натижалардан И-204-4-5 рақамли «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 декабрдаги 89-03-4457-сон маълумотномаси). Натижада лингвофонетик воситаларининг мазмунини ҳамда аслият ва таржима тили ўртасидаги адекватлик даражасини аниқлаш йўллари «Назарий грамматика ва фонетика», «Қиёсий тилшунослик», «Лингвистик таҳлил методлари» каби фанларнинг назарий асосларини бойитишга хизмат қилган;

поэтик матн таркибидаги лингвофонетик воситаларнинг прагматик мазмун ифодалашдаги роли ва шеърят таржимаси жараёнида адекват таржимани амалга ошириш, аслият матни прагматикасини қайта яратиш мақсадида ушбу воситаларни инобатга олиш зарурати, таҳлил ва таржима йўллари билан боғлиқ натижаларидан «5120100-Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили ва адабиёти)», «5111400-Хорижий тил ва адабиёти», «5120200-Таржима назарияси ва амалиёти» бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда «5А120201-Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик» магистратура мутахассисларининг малака талабларига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 декабрдаги 89-03-4456-сон маълумотномаси). Натижада «Қиёсий тилшунослик», «Назарий фонетика», «Таржима назарияси ва амалиёти», «Қиёсий таржимашунослик», «Стилистика ва матн таҳлили», «Лингвистик таҳлил методлари» каби фанларнинг назарий асосларини бойитишга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 22 та, жумладан, 9 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 29 та илмий иш нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, улардан, 3 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида эълон қилинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, боблар бўйича хулосалар, ишнинг хулосаси, фойдаланилган илмий ва бадиий адабиётлар рўйхати ҳамда ишда фойдаланилган моделлар, жадваллар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 137 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Поэтик матнда мазмун ва унинг ифодаланиши**» деб номланган биринчи бобида поэтик матн мазмуни шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари, уни таҳлил этиш усуллари, шеърий матнда оҳанг ва мазмун уйғунлиги, фоник воситалар иштироки, товушлар такрорининг ўрни, оҳанг инструментоткаси (эвфония ва какофония) ҳамда товушга тақлид ва товуш символикаси поэтик асар фоник воситаси сифатида каби ҳодисалар тадқиқ қилинган.

Лингвофонетик таҳлил йўналишида матнда фаоллашаётган фонетик воситаларнинг стилистик ҳамда семантик хусусиятлари таҳлили назарда тутилади. Ушбу йўналишни, ўз навбатида, шартли равишда учта ўзаро боғлиқ қисмга ажратиш мумкин:

1) фоностилистика: такрор ва унинг турлари (аллитерация, ассонанс, анафора, эпифора, қофия), фонетик ўзгаришлар (ассимиляция, диссимиляция ва ҳоказо);

2) фонографик стилистика: товушларнинг чўзиқ ва баланд айтилиши; шевага хос ва бошқа нутқий талаффузларнинг ёзувда аниқ акс эттирилиши.

3) фоносемантика: нутқ товушларининг мазмун ифодасидаги аҳамияти (товуш символикаси, товушга тақлид).

Сегмент бирликлар – нутқ товушлари, товуш бирикмалари, бўғин, (просодик) – оҳангнинг қаттиқ ёки юмшоқлиги, баланд ёки пастлиги, чўзиқ ёки қисқалиги, нутқ бўлакларининг ажратилиши ва кўшилиши, мусикийлик, урғу динамикаси, нутқ темпининг ўзгариши, пауза ва унинг турлари, нутқий меъёр, адабий талаффуздаги оҳангдошлик (эвфонология), товуший рамз (звукосимволизм), фонетик синонимия, сўзловчининг ҳиссий ҳолати, шеърнинг ритмик ва мусикий тузилишини тавсифлаш ва уларнинг айримларини фонетик-услубий таснифлаш эҳтиёжи мавжуд.

Ритм, қофия, аллитерация, ассонанс, анафора, эпифора ва такрорнинг бошқа турлари поэтик матннинг хушоҳанг бўлишини таъминлайди. Хушоҳанг сатрлар одатда тасвирланаётган предметнинг гўзаллигини таърифлашга, лирик қаҳрамоннинг ижобий кечинмаларини ифода этишга кўмаклашади.

Мисол учун У. де ла Маранинг «Silver» асарида эвфония ҳодисасининг таъсир кучини сезиш мумкин:

*Slowly, silently, now the moon
Walks the night in her silver shoon;
This way and that she peers and sees*

*Silver fruit upon silver trees;
One by one the casement catch
Her beams beneath the silvery thatch...*⁸

Оҳанг гармонияси [n] (now, moon, night, shoon), [i, i:] (silver, this, peers, sees, trees), [s] ва [sl] (slowly, silently, silver) каби товушларнинг тез-тез ишлатилиши орқали яратилган. Бу муаллифга сокин ойдин кечанининг тасвирини ёрқин яратишига ҳамда ўқувчига сокинлик ва ҳордиқ ҳиссиётини уйғотишга кўмаклашади.

Какофония (оҳангсизлик, *грекча* «какос» – ёмон, «фон» – товуш) эса, эвфониянинг акси бўлиб, мураккаб ва кўпол эшитиладиган, уйғунлашмаган, ёқимсиз товушларнинг кўп ишлатилиши оқибатида юзага келади. Бундай поэтик матнлар одатда «минор» тоналликда ўқилади.

Лирик шеърятда, одатда, шоирлар мураккаб ва «хунук» талаффуз этилувчи ундош товушларни камроқ ишлатишга ҳаракат қилишади, бироқ поэтик нутқда айнан ушбу товушлар тасвирий вазифани бажаради. Аксарият ҳолатларда нохуш бирикмалар шоир ифодалаётган тасвирнинг эмоционал баҳосини белгилайди⁹.

Эвфония ва какофония каби ҳолатлар поэтик нутқ жарангининг асосий элементлари ҳисобланади. Улар товушлар ва товуш бирикмаларининг такрорланишидан ҳосил бўлади. Шунини инобатга олиш лозимки, товушлар фақат маълум контекстда у ёки бу хусусиятни белгилай олади.

Товушга тақлид – табиат ҳодисаси, ҳайвонлар, қушларнинг, табиий товушининг матнда акс этилишидир. И.Р. Гальперин товушга тақлидни икки турга ажратади: бевосита ва билвосита. Бевосита товушга тақлид тури мустақил сўз ҳисобланиб, товушлар бирикмаси керакли товушни беришга хизмат қилади. Бундай сўзлар тилда кам учрайди, уларнинг вазифаси нафақат ҳодисани билдириш, балки товуш тасвирини ҳам акс эттиришдан иборат: ting - tang, ping - pong, tap. Бу сўзларни «товушли метафора» ҳам деб аташ мумкин, улар оддий лексик метафорадан фарқли ўлароқ, кўринадиган эмас, балки эшитиладиган образ яратишга хизмат қилади¹⁰.

Таҳлил учун таркибида товушга тақлид сўзлар мавжуд қуйидаги шеърини парчани танладик:

*Stop all the clocks, cut off the telephone,
Prevent the dog from barking with a juicy bone
Silence the pianos and with the muffled drum
Bring out the coffin, let the mourners come.
Let airplanes circle moaning overhead
Scribbling on the sky the message
He Is Dead...*¹¹

⁸ Walter de la Mare (1873-1958). Silver. www.poemhunter.com/poem/silver.

⁹ Голуб И. Б. Стилистика русского языка. – М.: Титул, 2002. – 260 с.

¹⁰ Гальперин И. Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М.: Наука, 1981. – 27-28 с.

¹¹ Auden W.H. Funeral Blues. <https://allpoetry.com/Funeral-Blues>.

Ушбу шеър муаллифнинг мотамли ва қайғули ҳолатини акс эттиради. Шеърда ишлатилган товушга тақлид сўзлар муаллифнинг кучли ҳиссиётини, унга дош бера олмаётганини, атрофида кечаётган ҳодисани эхтиросли қабул қилиб, диққатини жамлай олмаётганини тасвирлайди. Шу тарзда товушга тақлиднинг бевосита ишлатилиши муаллиф кечинмаларини акс этишида, ўқувчига эса уни тушунишга кўмаклашади.

Билвосита товушга тақлиднинг ёрқин мисоли сифатида Дж. Мэйсфилднинг "Sea - Fever" шеърини олса бўлади:

*I must down to the seas again, to the lonely sea and the sky,
And all I ask is a tall ship and a star to steer her by,
And the wheel's kick and the wind's song and the white sail's shaking,
And a grey mist on the sea's face and a grey dawn breaking...*¹²

Келитирилган шеър парчасини ўқиётиб, *sea, sky, ask, star, steer, wheel's, wind's, song, sail's, mist...* сўзларида учрайдиган [s] аллитерацияси ёрдамида денгиз тўлқининг шовқинини аниқ эшита оламиз.

Инглиз тилида шамолнинг ғувиллаши [w] товушининг такрорланиши орқали тасвирланади. С.В. Ворониннинг фикрича, ушбу товуш соф, майин урилишни англатади¹³: *wheel's, wind's, white*.

Юқоридаги шеър таркибидаги *...the wheel's kick...* сўз бирикмасида ишлатилган бевосита товушга тақлид сўзи кема штурвалининг урилишини «эшитишга» кўмаклашади. Демак, шоир товушлар ва бирикмалар такрори ёрдамида денгиз шовқинининг ёрқин тасвирини ярата олган.

Поэтик матнда товуш символикаси ҳам муҳим ўрин тутди. Матндаги товуш символикаси ҳис-ҳаяжон кўзғатиб, барча сезги органлари орқали таъсир кўрсатишга қодир.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида олтита унли фонема мавжуд. Шулардан «и», «а», «у» фонемалари сўзнинг турли позицияларида ҳар хил вариантларга эгаллиги билан ажралиб туради¹⁴. Ана шу вариантлар услубий жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, кўпинча нутқ эгасини характерлаб туради. Жумладан «и» фонемасининг «юмшоқ» (*кир, жиз*), «қаттиқ» (*қиз, қир*), «тор» (*бир, билан*), «кенг» (*чин, пир*) каби вариантлари мавжуд. Ушбу хусусиятлар қолган бешта унли фонемаларга ҳам хос ва уларнинг турлича талаффузи сўзда кўшимча маъноларни ҳосил қилади¹⁵.

О. Есперсеннинг аниқлашича, товушлар «ҳаракат», «нарса» ва «ташқи кўриниш» (шакл, ранг), «руҳий ҳолат» (қаноатсизлик, нафрат, хурсандчилик...), «ҳажм» ва «масофа»ни англатади¹⁶.

С.В. Ворониннинг фикрича, матнда ғамли, секин ҳолат ва мураккаб ҳаракат, фойдасизлик ва кураш ҳақида сўз юритилганда «хира» – «о», «у» унлилари одатдагидан кўпроқ ишлатилади. «Агрессив» шеърларда «қаттиқ»,

¹² Masefield J. Sea Fever. www.poetryfoundation.org/poems/54932/sea-fever.

¹³ Воронин С. В. Основы фоносемантики. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1982. – С. 88.

¹⁴ Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Университет, 2010. – Б. 58-69.

¹⁵ Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: Фил. Фан. номзоди ... дис. – Т., 1996. – Б. 31-35.

¹⁶ Jespersen O. Language. – London: Longman, 1954. – P. 35.

«дағал» «т», «к», «р», «а» товушлари; «идиллик» шеърларда эса – «юмшок», «майин» «м», «л», «н», «и» товушлари фаоллашади¹⁷.

Идиллик мазмундаги шеърларнинг товуш тизими «ғамгин», «агрессив» матндаги шеърларнинг фонетик тузилишидан тубдан фарқ қилади. Бундай, яъни ғамгин, қайғу мазмунидаги шеърларда ижодкорлар тамонидан «минор», «хира» товушлар кўпроқ ишлатилади.

Товуш символикасининг фаоллашув кўлами турли тилларда бир меъёрда эмас. Шунингдек, бир тилга хос товуш символикаси бошқа тилда умуман акс маънода ишлатилиши мумкин.

Тилшуносларнинг турли мазмундаги поэтик асарлар юзасидан бажарган таҳлилларини ўрганиб, товушларнинг қуйидаги «мазмун»ларда келишини аниқладик: «ёрқин», «мажор», «юмшок»; «нейтрал»; «хира», «минор», «қаттиқ»; «агрессив».

Товушларнинг ушбу «мазмуний» тавсифига асосланган ҳолда инглиз ва ўзбек тиллари фоник воситаларни қуйидаги гуруҳларга тақсимлашни маъқул кўрдик (Чизма 1):

Чизма 1

ТОВУШЛАР МАЗМУНИ	ИНГЛИЗ ТИЛИ		ЎЗБЕК ТИЛИ	
	УНЛИ	УНДОШ	УНЛИ	УНДОШ
ЁРҚИН, МАЖОР, ЮМШОҚ, ИДИЛЛИК	[i:], [i], [ei], [u:], [ju:], [ou], [εə]	[m], [n], [l], [ŋ], [s],	«и», «у», «э» (юмшок ундошлардан сўнг)	«м», «н», «л», «с», «х»
НЕЙТРАЛ	[e], [a:], [ʌ], [iə], [ə], [uə], [əu], [ai]	[w], [θ], [ð], [v], [ʃ], [dʒ], [tʃ], [p], [j], [ʒ], [h]	«е», «ю»,	«ч», «з», «ф», «в», «ш», «ж», «п», «й»
ХИРА, МИНОР, ҚАТТИҚ, КУЧЛИ	[ɔ], [ɔ:], [oi], [a:] [æ], [au]	[z], [b], [d], [t], [g], [k], [f]	«о», «а», «ё» (қаттиқ ундошлардан сўнг)	«д», «т», «г», «к», «х», «б»,
АГРЕССИВ	[ə:],	[r] (асосан ундош товушлар билан бирга келганида)	«ў»	«р», «қ», «ғ»

¹⁷ Воронин С. В. Основы фоносемантики. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1982. – С. 120.

Диссертациянинг «Поэтик матнда лингвофонетик воситаларнинг прагматик хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобида поэтик матн таркибидаги лингвофонетик воситалар ёрдамида ижобий, салбий ҳамда контраст эмоциялар ифода усуллари таҳлил қилинган. Шунингдек, шеърятнинг прагматик хусусиятлари шаклланишида фоник воситаларнинг роли аниқланган.

Оҳанг ва мазмун мутаносиблиги, яъни поэтик матнда товушларнинг семантик уйғунлиги кўпгина тилшунослар томонидан тан олинган. Бироқ поэтик асарларда товуш ифодасининг прагматик имкониятларига ҳамон кам эътибор ажратилиб келинмоқда. Бизнинг фикримизча, поэтик матннинг ўзига хос тузилиши ва образ яратишда товушларнинг ўрни ҳақида гап кетганида, аввало, товушларнинг прагматик аспекти, сўнгра эса уларнинг мазмуний уйғунлигини инобатга олмақ даркор. Поэтик асар – шоирнинг қабул қилувчига узатилаётган ўзига хос туйғулари изҳоридир ва шеърят тузилиши, биринчи навбатда, эмоция ва ҳиссиёт уйғотишга, ундан кейин эса маълумот етказишга йўналтирилади.

Олимлар эмоциянинг хусусиятларини аниқлаб, уни қуйидаги турларларга ажратишган¹⁸: «ижобий», «ёқимли», «позитив»; «салбий», «ёқимсиз», «негатив». Бироқ, бадий матнларда баъзан бир пайтда ҳам салбий ҳам ижобий мазмундаги ҳиссиёт воқеланишини сезиш мумкин. Бу эса «контраст эмоция» деб айтилади.

Бадий матнда ушбу турдаги эмоциянинг акс топиши доимий равишда кузатилади ва бу вазифа кўпинча лисоний birlikларнинг алоҳида прагматик мақсадда қўлланиши орқали бажарилади. Бадий мулоқот пайтида эмоция муаллиф ва ўқувчи муносабатининг аниқ тус олишига шароит яратади ҳамда ўқувчи баён қилинаётган воқеа-ҳодисалар, персонажлар ҳақида тўлиқ маълумот олиш имкониятига эга бўлади.

Поэтик матн прагматикаси унинг фоникаси орқали ҳам намоён бўлади, у ёки бу товуш воситалари орқали муаллиф ўз туйғусини, бирон-бир воқеликка нисбатан муносабатини аён қилиши доимо кузатилади. Масалан:

*Сен йироқда,
Ёринг йироқда,
Ўртанади жонинг фироқда.
Тугаб борар бардош – саботинг,
Учай десанг, йўқдир қанотинг.
Севар ёринг васлига муштоқ
Кечаларинг ўтади уйғоқ...
Аммо гамдан бошингни букма,
Шахло кўздан ёшингни тўкма.
Дилбар, буни фироқ дема ҳеч,
Ёрим мендан йироқ дема ҳеч.
Чунки оро кириб жонингга,
Бағринг бир кун келар ёнингга.*

(Эркин Воҳидов. Фироқ ҳақида).

¹⁸ Шаховский В.И. Категоризация эмоций в лексико-семантической системе языка. – М.: URSS, 2009. –С. 98.

Асарларда ёзувчи маълум бир ҳодисанинг мазмунини хабар қилиш билан бирга, ўқувчига эстетик ва эмоционал таъсир кўрсатишни ҳам мақсад қилади, чунки ҳис-туйғуга таъсир этиш хусусияти асарнинг қийматини белгиловчи воситадир. Ушбу шеърда асосий концепт «*фироқ, айрилиқ*». Салбий ҳис-туйғуни ифодаловчи сўз ва сўз бирикмалар: *йироқ, тугаб борар бардош, муштоқ, кўз ёш, ёрим йироқ, фироқ, ноҳақ ранжитди, нолишинг, кетдий боқмай қайрилиб, айрилиқ, ҳижрон зулмати*. Шоир лирик қаҳрамонига мурожаат қилиб, унинг тушкун, аламли, дардли ҳолатини, соғинчини ифодалашда ва ушбу ҳолатни китобхонга етказиш орқали таъсир этишда салбий маънодаги сўзларни, хушоҳанг бўлмаган товуш ва товуш бирикмаларини қўллайди. Товуш, оҳанг мазмун билан чатишиб, яхлит матн салбий мазмунда яратилишига улуш қўшган.

Шеърнинг мазмунга мос тарзда ўзига хос интонация – урғу ва паузалар билан ўқилиши талаб этилади. Тўғри, ҳар қандай туйғу, эмоционал ва эстетик таъсирни, биринчи навбатда, танланган сўз ва сўз бирикмалари орқали ифодалаш мумкин, бироқ поэтик матнда унинг жонланиши, давомийлиги албатта фонемалар, такрорлар, товушга таклид ва товуш символикаси орқали амалга оширилади. Ушбу шеърда асосан «р», «д», «б» товушлари аллитерация, яъни такрорий тарзда қўлланилган. Бу товушлар такрори лирик қаҳрамон қалбидаги аламли армон, ёлғизлик туйғусини, унинг ғам-ташвишларини яққол ифодалашга иштирок этган. Муаллифнинг лирик қаҳрамонга такрорий мурожаатини «сен» сўзининг анафорик ҳолатда ишлатилиши ҳамда «-инг» қўшимчасининг қўлланилиши орқали кузатиш мумкин. Шеър салбий ҳис-туйғу уйғотиши учун пасаювчи оҳангда ўқилади. Шеър ифодаси жараёнида мисраларда «р», «қ», «б», «д» каби қаттиқ ундош товушлар, ҳамда тилорқа «о» ва тилолди қаттиқ «а» унли товушларининг кўп бор ишлатилиши туфайли какофония ҳосил бўлганини сезиш мумкин.

Шеърда «қаттиқ» ундош товушлар билан бир қаторда, «юмшоқ» товушлар ҳам учрайди, бироқ улар асосан «қаттиқ» унли товушлардан кейин келиб, нейтраллашган.

Эркин Воҳидов қаламига мансуб «*Фироқ ҳақида*» шеърдаги фоник воситаларнинг тизимини чизмада қуйидагича изохлаш мумкин (Чизма 2):

Чизма 2

«р», «д», «б» аллитерация	Шоирнинг мурожаати, лирик қаҳрамоннинг соғинчи, алам, ёлғизлик туйғусини ифодалашга хизмат этган товушлар	какофония	Тилорқа «о» ва қаттиқ тилолди «а» унли товушларининг кўп ишлатилиши
«о», «а» – ассонанслар			«р», «қ», «б», «д» каби қаттиқ ундош товушлар
«сен» сўзи ва «-инг» қўшимчасининг анафорик ҳолатда қўлланилиши			«юмшоқ» ундош товушларнинг нейтраллашуви

Ушбу ғазалда салбий ҳис-туйғуни ифодалашда қўйидаги омиллар асос бўлган:

1) ички ҳиссиётни ифодалаш учун «р», «қ», «б», «д» товушларнинг такрорий ишлатилиши;

2) лирик қаҳрамоннинг ҳолатини тасвирлашда, образни ифодалашда ассонанс усулида қаттиқ унли товушларнинг қўлланилиши;

3) урғунинг асосан қаттиқ товушларга тушиши;

4) какофонияни ҳосил қиладиган товуш бирикмаларининг қўлланилиши.

Ижобий эмоцияни ифодалашга хизмат қилган лингвофонетик воситалар хусусияти қуйидаги шеърини парча мисолида таҳлил қилинди:

*Сен борсан – мен учун бу ҳаёт гўзал,
Сен борсан – мен учун дилбар коинот.
Сенсиз қолар эдим зулматда тугул,
Сенсиз қолар эдим буткул бемурод.
Сенинг висолингда умрим яширин,
Чечаксан, мен учун асло сўлмассан,
Шу қадар дилбарсан, шу қадар ширин,
Афсус, шундайлигинг ўзинг билмассан.*


Абдулла Орипов ўз шеърларида ҳаётни, инсон ҳис-туйғуларини, шодлик ва андухларини, муҳаббат ва вафони, Ватанга бўлган муҳаббатни, меҳр оқибатни мадҳ этади. Шу билан бирга, табиат ва инсон ҳиссиётлари уйғунлиги, инсоннинг табиатга бўлган муносабати, табиатнинг инсон ҳаётига таъсири ҳақида сўз юритади.

«Сен борсан» номли шеърда концептуал бирлик – «борлиқ, мавжудлик». Матн ижобий ҳиссиётни беришга мўлжалланганлиги боис, хушоҳанг, эвфоник воситалар танланган: *гўзал, дилбар, чечак, ширин, висол, умр*. Шеърдаги сўзлар таркибида юмшоқ тилолди «и», «е» унлиларининг мавжудлиги хушоҳанглик яратилишига сабаб бўлган. Ундош товушлардан аллитерацион тарзда «л», «н», «м» сонорларининг қўлланилиши тингловчига ҳузур бағишлаши билан бир қаторда, ифода жараёнида майинликни яратади. Шеър ижобий маънода бўлгани боис мажор оҳангда, яъни хушқайфият билан қувноқ, кўтарилувчи оҳангда ўқилади. Бу шеърда «с» товуши анафорик тарзда ишлатилган бўлиб, у ўқувчи, тинговчининг диққатини жалб этади. Шоир ҳаёт умидли ва муродли бўлиши учун ёнида чин дўсти, ёри, ҳамроҳи бўлиши лозимлигини кўнглига туғиб олади.

Шеърдаги «и+л» (*дилбар*), «а+л» (*гўзал*), «о+л» (*висол*), «у+л» (*буткул*), «ў+л» (*сўлмассан*), «у+н» (*учун*), «и+н» (*яширин, ширин, ўзинг*), «е+н» (*сен, мен*) товуш бирикмалари мулойимликни ҳосил қилиб, улардан эвфонияни яратишда фойдаланилган. Тўғри, шеърда жарангли, портловчи қаттиқ ундош товушлар ҳам анчагина, бироқ улар юмшоқ унлилардан сўнг келиб, баъзи жойларда редукцияга учраши туфайли юмшоқлашган: *сен борсан, зулматда, бемурод, дилбарсан*. Шунингдек, «р» товуши ҳам сўз бирикмалар каторида юмшатирилган: *шу қадар ширин*.

Абдулла Ориповнинг «Сен борсан» шеърининг фонетик тузилишини чизмада қуйидагича тасвирлаш мумкин (Чизма 3):

Чизма 3



Демак, ижобий ҳис-туйғуни беришда товуш воситаларининг роли қуйидагича:

- 1) тил олди юмшоқ унлиларининг ва сонор товушларнинг қўлланилиши;
- 2) қаттиқ портловчи товушларнинг редукцияга учраши;
- 3) таранг «р» товушининг сўз бирикмаларида юмшатилиши;
- 4) «и+л», «а+л», «о+л», «у+л», «ў+л», «у+н», «и+н», «е+н» товуш бирикмалари.

Инглиз шоири Жон Китс қаламига мансуб «Sonnet on the Sea» шеърисидаги фоник воситаларининг ролини аниқлашга ҳаракат қиламиз:

*It keeps eternal whisperings around
Desolate shores, and with its mighty swell
Gluts twice ten thousand Caverns, till the spell
Of Hecate leaves them their old shadowy sound.
Often 'tis in such gentle temper found,
That scarcely will the very smallest shell
Be mov'd for days from where it sometime fell,
When last the winds of Heaven were unbound
O ye! Who have your eye-balls vex'd and tir'd,
Feast them upon the wideness of the Sea;
O ye! Whose ears are dinn'd with uproar rude,
Or fed too much with cloying melody –
Sit ye near some old Cavern's Mouth, and brood
Until ye start, as if the sea-nymphs quir'd!*¹⁹

Ушбу сонет денгизда кечаётган ҳолатни акс этган. Унда муаллиф «юмшоқ», «ёркин» [l], [m], [n], [w] каби ундош ҳамда [i:], [i], [e] унли


¹⁹ Keats John. Sonnet on the Sea. <https://www.poemhunter.com/poem/sonnet-on-the-sea>.

товушларидан унумли фойдаланган. Ушбу товушлар тинч, сокин денгиз ҳолатини тасвирлашда кўл келган. Сув образини яратишда эса муаллиф асосан [s], [ʃ] товушларига мурожаат қилган (*keeps, whisperings, desolate shores, its, swell, gluts, twice, spell, shadowy sound, such, scarcely, smallest shell, sometime*). Ушбу товушлар секин ҳаракатни ифодалаш мақсадида ишлатилади.

Кейинги мисраларда шоир шаҳарнинг кундалик шовқинли ҳаётдан чарчаган инсонларни денгиз томон чорлайди ва тинч, осуда денгиз билан шовқинли ҳаёт орасидаги контрастни ҳосил қилади. Ушбу тасвирни ифодалашда муаллиф [b], [d], [t], [o], [u] «қаттиқ» товушлар ҳамда [kst], [pr], [br] каби какофоник товуш бирикмаларидан фойдаланган (*unbound, eye-balls, vex'd, tir'd, dinn'd, uproar rude, fed, too, brood*). Шовқинли шаҳар ҳаёти «агрессив» [r] товуши, майин денгиз тўлқинининг шитирлаши эса «юмшоқ» [s], [ʃ] товушлари ёрдамида тасвирланган: *vex'd and tir'd, uproar rude – shadowy sound, smallest shell*.

Ушбу шеърда Ж. Китсининг коммуникатив мақсади инсонларни шаҳар шовқинидан воз кечиб тинч, сокин денгиз томон чорлаш ва сокинликка эришиш. Унда ишлатилган фоник воситалари орқали ўқувчи сокин денгизни ҳис қилади, шовқинли шаҳарни тасаввур эта олади. Шеърдаги контраст эмоцияни тасвирловчи фоник воситаларининг ролини чизмада тасвирлаш мумкин (Чизма 4):

Чизма 4



Ушбу чизмага асосланиб, поэтик матнда эмоционал контрастнинг берилишини изоҳлаймиз:

- 1) тўлқин оҳангини берувчи [s], [ʃ] товушлари шовқинли шаҳар ҳаётини тасвирлашда ишлатилган агрессив [r] товушига контраст бўлган;
- 2) денгизни, сокинликни тасвирлашда фойдаланилган «юмшоқ» товушлар кундалик ҳаёт тарзини ифодалаш учун ишлатилган қаттиқ [b], [d], [t], [o], [u] товушлар билан контраст ҳосил қилган;
- 3) денгиз сокинлиги эвфоник тарзда, шаҳар шовқини эса какофоник оҳангда берилган.

